TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 26-oktyabr / SHANBA / № 85 (13744)

БЕКОБОДДА БАРДАВОМ ИСЛОҲОТЛАР



БЕКОБОД – Ўзбекистонда кўзга кўринган, саноати ривожланган, аҳолиси меҳнаткаш ва тадбиркор бўлган гўзал шаҳардир. Келаси йили шаҳримиз 80 ёшга тўлади. Бугун 105,3 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудни ҳар томонлама тараққий эттириш, обод қилиш, салоҳиятини янада юксалтириш ҳар бир бекободликнинг ҳаёт мазмунига айланган, десак муболаға бўлмайди.

Насрулла БАБАЕВ, Бекобод шаҳар ҳокими

“Тошкент ҳақиқати” минбари

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ҳар бир ҳудуд иқтисодий барқарор бўлгандагина ривожланади. Давлатимиз раҳбари жорий йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига ташрифларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, вилоятни камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш учун, энг аввало, ҳар жабҳада иқтисодий барқарорликни таъминлаш зарурлигини таъкидладилар.

(Давоми 4-саҳифада)

Вилоят бўйлаб



ВИЛОЯТ ҳокимининг тегишли фармойиши билан тиббий ёрдам ва жарроҳлик амалиётига муҳтож эҳтиёжманд фуқаролар соғлигини тиклаш мақсадида жарроҳлик амалиётлари ўтказиш харажатлари учун 515 миллион 700 минг сўм маблағ ажратилди.

НУРАФШОН шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ва сектор раҳбарлари ташаббуси билан эҳтиёжманд оилаларнинг 12 нафар фарзандига суннат тўйи қилиб берилди. «Ўзбегим» тантаналар саройида дастурхон ёзилиб, тўй болаларнинг ҳар бирига совғалар топширилди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани «Ибрат» маҳалласида Хитойнинг йирик компанияси вакиллари бир қатор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун масъуллар билан мулоқот ўтказди.

“ЧИРЧИҚ” кимё-индустриал технопаркка Карелия Республикаси тараққиёт корпорацияси бош директори бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонлар технопаркнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва амалга оширилган лойиҳалар билан танишишди.

ОҚҚЎРҒОН туманида жойлашган "Yus Tex" МЧЖга 29 та маҳалладан ишсиз хотин-қизлари таклиф этилди. Улар корхонадаги шароитлар, имкониятлар билан таништирилди. Шу куни 20 нафардан ортиқ ишсиз аёллар билан меҳнат шартномаси тузилди.

Тадбиркорлик

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ РАҒБАТИ

Юртимизда иссиқхоналар кўпайгани туфайли бозорларимизда йил бўйи кўнглингиз тусаган мева ва сабзавотларни топиш мумкин. Вилоятимизда ҳам иссиқхоналарга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Замонавий усулда қурилаётган иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотлар ички бозорларимиз эҳтиёжини қоплаш билан бирга, чет элга ҳам экспорт қилинмоқда.

2



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, соҳада профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Алматов Закиржон – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Мардонкулов Нодиржон Кодиржонович (марҳум) – Фарғона вилояти Данғара тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Горбацевич Виктория Александровна – Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими катта терговчиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Муродов Журабек Мухамадиевич – Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Суяров Шерзод Рахматуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аскаров Уктам Бахромович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи

Қодиров Сайидакбар Махаматсодиқович – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Қўшбармоқов Улуғбек Сангирқулович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий тергов ҳибсхонаси ходими

Мирсадиков Дилмурод Мирхамдамович – Тошкент шаҳар Учтепа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Муйдинова Гулнора Тошпулатовна – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бош эксперти

Сайидов Нодирбек Баҳодирович – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Хожиева Мархабо Хикматиллаевна – Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими катта терговчиси

Худаяров Низомжон Ражаббаевич – Хоразм вилояти Хонқа тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

Адилова Гулшод Пулатовна – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими бош шифокори

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алибоев Маматали Ҳазраткулович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Дустов Зафар Абирович – Жиззах вилояти Арнасой тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

Индиаминов Фаррух Нуриддинович – Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 8-ички ишлар бўлими бошлиғи

Казахбаев Малик Пердебаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати инспектори

Кучкаров Турғун Рахимбаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг ўринбосари – ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази бошлиғи

Қосимов Уткирбек Соибжонович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Ниязов Феруз Жуманазарович – Қашқадарё вилояти Қарши тумани ички ишлар бўлими 1-ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

Хидиров Юсуфжон Илхомжонович – Наманган вилояти транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тажриба

Янги нав “Бойбўта”ни бой қилади

Бекобод туманидаги “Бойбўта” фермер хўжалигига қарашли 15 гектар ер майдонида уруғли ва мойли кунгабоқар етиштирилмоқда. Ушбу ўсимлик хорижий нав бўлиб, асосан россиялик инвесторлар томонидан молиялаштирилган.

Туман бўйича умумий 650 гектар майдонда етиштирилаётган кунгабоқарлар сифатли уруғ олиш ҳамда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш мақсадида парвариш қилинмоқда.

Ушбу навнинг маҳаллийларидан фарқи, ундан одатдагидан кўра кўпроқ ёғ олиш мумкин. Шунингдек, ҳосилдорлиги юқори, иқлим шароитига мослашувчан, уруғи унувчан. Шу сабаб, ушбу кунгабоқарни кейинги мавсумда ҳам етиштириш режалаштирилган.

Кунгабоқардан ўртача ҳисобда гектаридан 3,5-4 тоннагача ҳосил олиш режалаштирилган. Ҳозирда ер унумдорлиги ва ҳосилдорликни янада яхшилаш мақсадида асосан табиий ўғитдан фойдаланилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



Ҳурматли газетхон!

Обуна – 2025

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!

Нашр кўрсаткичи – 205.

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ РАҒБАТИ



Тошкент туманидаги “Муҳаммад ишонч агро” масъулияти чекланган жамиятига қарашли қарийб икки гектар майдонни эгаллаган замонавий иссиқхонада йил бўйи иш қизғин. Бу ерда Туркиянинг «Serasan sera” фирмаси технологияси асосида помидор, бақлажон, булғор қалампири ва бошқа сабзавот кўчатлари етиштирилиб, мижозларга “Furlaan” бренди остида етказиб берилади. МЧЖ 20 дан ортиқ чет эл агрофирмалари билан шартнома тузган, улардан сабзавот уруғлари, минерал ўғит ва дорилар келтирилади.

Жамият раҳбари Фурқатилла Абдуллаев 7-синфдалигидаёқ кўчатчилик билан шуғулланишни бошлаган.

– Хонадонимизда кичик еримиз бўларди, бир йили поччам ерга чиннигул экди, – дейди Ф.Абдуллаев. – Гулларини йиғиштириб олгач, менда кўчат тайёрлаш фикри туғилди. Яхшилаб ўрганиб, синаб кўрдим. Камига қўшниларимизнинг уйидаги гул новдаларидан ҳам кесиб олдим. Кўчатлар тайёр бўлгач, сотиб 500 рубль пул ишладим. Отамга шу пулга мотоцикл олиб беринг десам: “Ўғлим ундан кўра сенга уруғ олиб бераман, уни ҳам кўчат қилиб сот, мактабни битиргунингча пул йиғсанг, машина олиб бераман”, дедилар. Шундан кейин помидор кўчатини етиштиришга қизиқиб қолдим. Уйлангач, аёлим билан бирга шуғулландик. Ўз еримиздан ташқари, “Ҳасанбой” маҳалламизда кимнинг уйида бўш томорқа бўлса ижарага олдик. Ўша пайтлар қўшнилар қишда ухлаб ётишганда, биз уйларига кириб иссиқхонага кўмир ёқиб чиқардик.

Фурқатилла аканинг айтишича, авваллари иссиқхонада кўчат етиштириш осон бўлмаган. Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар уни ҳам замонавий иссиқхона қуришга ундади. 2021 йилда 50 сотих ерда кўчат тайёрланган бўлса, ҳозирга келиб бу майдон бир ярим гектарга етди.

– Сифатли уруғ унумли ҳосилга замин яратади, – дейди агроном Шерзод Абдуллаев. – Кўчат тайёр ҳолга келгунча 3 босқичдан ўтади: уруғ экиш, ундириш ва ўстириш. Жараён салкам икки ой давом этади. Кўчатларга 20 дан ортиқ минерал ўғит ва дорилар билан ишлов берилади. Булар кўчатнинг унумдор, турли касалликларга чидамли ва тез ўсувчанлигини таъминлайди. Иссиқхонамизда кўчат етиштириш жараёнида тоза ичимлик суви ва табиий газ сарфланмайди. Ҳарорат кўчат етилишига қараб ўзгартириб турилади.

Жараёнга замонавий технологияларнинг татбиқ этилгани иш самарадорлигини янада оширмоқда. Уруғ экишга мўлжалланган дастгоҳ шулардан бири. Сўнгги стандартлар асосида ишлайдиган уруғ ташловчи машина соатига тўлиқ қувватда 60 мингдан 100 мингтагача уруғни экиб бера олади. Дастлаб қолиплар торф билан тўлдирилади, сўнгра “бармоқ босиш”га ўтилади. Яъни, бунда уруғ ташлаш учун чуқурча очилади. Кейин уруғ ташланиб, устини беркитиш учун вермикулит (бу олтин ранг тусдаги минерал бўлиб, таркибида марганес, темир, алюминий, кремний оксиди, кислород ва водород бор) солинади. Сув қуйилгач, уруғ экилган қолиплар ундириш хонасига жўнатилади.



Бундан ташқари, Фурқатилла ака иссиқхонада кўчатларни ин-витро усулида кўпайтириш, айримларини ёввойиси билан пайвандлаш устида ҳам иш олиб бормоқда. Шунингдек, очиқ майдонда манзарали гуллар парваришини ҳам йўлга қўйди.

– Ишни гулчиликдан бошлаб, сабзавотчиликка ўтиб кетгандим, – дея давом этди Фурқатилла ака. – Энди яна гулчиликка қайтдик. Бир неча йил отам менга қўллаган усул билан ўғлим Абдуллоҳни шу ишга қизиқтирдим. Унга пул бериб гулчиликни йўлга қўйишини, бунинг учун аввал бозор талабини ўрганиши лозимлигини айтдим. Ҳозирда ишимизнинг 60 фоизини гулчилик ташкил қиляпти. Бу ишни тўлиқ ўғилларимга топширганман, мен аралашмайман.

Айни пайтда МЧЖда очиқ майдонда виола гули етиштирилмоқда. Бу гул ўзининг совуққа чидамлилиги, қиш кунлари ҳам кўчалару хиёбонларни гўзалликка буркаши билан ажралиб туради.

Вилоят ҳокими бу иссиқхона билан танишганида совуқ кунларда очиқ майдонда етиштирилаётган гулларни кўриб, МЧЖ ишчи-ходимларини алқаган ҳамда қолганлар ҳам улардан ўрнак олишлари кераклигини таъкидлаган эди. Бу ҳақда Фурқатилла ака фахр билан сўзлаб берди.

Дарвоқе, аҳолига олий сифатли, соғлом кўчатлар ва ранго-ранг гуллар етиштириб бераётган Фурқатилла Абдуллаев жорий йил давлатимиз раҳбарининг фармойишига кўра “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу рағбат унинг 30 йиллик меҳнатига берилган баҳодир.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Матбуот анжумани

ҚОНУННИ БИЛГАН ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚИЛМАЙДИ

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.



Унда “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унинг мақсади ва қўлланилиши юзасидан маълумот берилди.

Анжуманда бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳамдам Назаров жорий йилнинг ўтган 9 ойи якунлари бўйича ҳисобот берди. Шунингдек, қонуннинг мақсади ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олишди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Отабек УМАТАЛИЕВ
олган суратлар

Топилма

Чорвоқнинг очилмаган сирлари

Яқинда Чорвоқ сув омбори соҳилига оила аъзолари билан дам олиш учун келган пойтахтлик Ш.Эшмуратова сув сатҳи пасайган соҳилдан икки дона бутун сопол идиш ва яна бир неча сопол парчасини топиб олди.

Фуқаро жисмларни пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейига топширди. Ашёлар ўрганилганда, икки бўлак буюм бир балдоғли қадаҳ синиғи эканлиги маълум бўлди. Қолган парчаларни дастлаб қандай идишга тегишлилигини аниқлаб бўлмади. Улар ювиб, тозаланиб, таъмирланганидан сўнг икки балдоғли, балдоғининг юқориси бурама шохли қўчқор қиёфасида ишланган тоғора бўлаги экани аён бўлди.

Ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, барча буюмлар қўлда, яъни кулолчилик чархи ёрдамисиз ясалган бўлиб, лойига майда қум-тош ва оҳак-тош аралаштирилган. Устига оч қизғиш суюқ ангоб (бўёқ) сурилган. Афсуски, ангоб, деярли ўчиб кетган.

Топилмаларнинг қиёсий таҳлили Тошкент воҳасининг ўзига хос маданияти ҳисобланган, милоддан аввалги II ва милодий VI асрларга мансуб “Қовунчи” кулолчилиги намуналарига ўхшашлигини кўрсатди.

Бундай идишларнинг кенг тарқалиши, асосан, I-IV асрларга тўғри келади. Шунга асосланиб, Чорвоқ сув омбори соҳилидан топилган кулолчилик буюмлари шу даврга оидлиги хусусидаги илмий фаразни илгари суриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бундай жисмлар аввал ҳам шу ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида топилган эди. Аксарият ҳолларда марҳумларни дафн этиш чоғи улар билан бирга қабрга қўйилган кузатув-маросим идишлари бир жойдан бутун топилган. Яқинда топилган буюмлар ҳам айнан шундай ҳолатга ишора бермоқда.

Мазкур ашёларнинг музейга топширилиши давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 майдаги “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган “Миллий меросга менинг ҳиссам” умумхалқ акциясининг амалдаги ифодаси, дейиш мумкин.

Дилмурод НОРМУРОДОВ,
Арслон АЛИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи ходимлари

Долзарб мавзу

“РАҚАМЛИ АУТИЗМ”

ёхуд келажакка таҳдид

Бугун ҳаётимизга “рақамли авлод” деган тушунча шиддат билан кириб келди. Боиси, ҳали мактабга чиқмаган бола ҳам смартфонни катталардан кўра яхши ўзлаштирган, “у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади”. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Ҳали тили чиқишга улгурмаган, эндигина “той-той”лаб юришни бошлаётган боланинг қўлига телефон бериб қўямиз. Жажжи бола унда ўйин ўйнайди, ижтимоий тармоқларга кириб, бугун тилимизда урфга айланган “реелс” видеолар, яъни қисқа лавҳаларни томоша қилади ва шу орқали ахборот олади. Бу каби менталитетимизга зид видео ва ўйинлар боланинг онгги шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.



Очиғи, тан олайлик, бугун ижтимоий тармоқларда турли қаланғи-қасанғи, тарбиясиз видеолар, фаҳшга ундовчи лавҳалар тўлиб-тошган. Рақамли авлоднинг эрмагига айланган смартфон, планшет, ноутбукларнинг хавф кўрсаткичи кун сайин ортиб бормоқда. Бузуқ ниятли ғаламислар бундай тармоқларни ўзига хос қармоққа айлантириб олишган. Қолаверса, шу каби платформалар орқали оммавий маданиятни сингдирмоқчи бўлганлар, диний экстремистик, террористик ғояларни тарғиб қилаётган манфур кимсалар кўпаймоқда.

Тўғри, боласининг қўлига телефон тутгани билан унга фақат ибратли мультфильм ёки дастур қўйиб берадиган ота-оналар ҳам бор. Бироқ, аксарият ҳолларда олдига қўйганини оғзига соладиган болакайнинг қўлига “жим ўтирса, бўлди” дея шу матоҳни тутқазиб қўйишади. Натижада бола телефонга ўрганиб, қўлидан олсангиз, хархаша қиладиган бўлади (телефон берсангиз овқат ейман, планшетда ўйин ўйнасам, кейин ухлайман каби).

Мутахассисларнинг фикрига кўра, болалар рақамли технологиялардан қанча кўп фойдаланса, нутқи шунча сустлашади, кўриш қобилияти пасайиб боради. Уларнинг боғча ва мактабда жамоага қўшилиши, ён-атрофидагилар билан муносабатга киришиши қийинлашади. Фан тили билан айтганда, бундай болаларда “рақамли аутизм” касаллиги авж олади. Улар телефонга чалғиб, ҳатто атрофида юз бераётган ҳодисаларни илғамайди, муносабат билдирмайди. Афсуски, катталар, айниқса, ёш ота-оналар фарзандларининг саломатлиги ва руҳиятига жиддий таҳдид солаётган кўзга кўринмас бу хавфдан ҳимоялашга етарлича эътибор қаратмаяптилар.

Ҳолбуки, болалар (10-12 ёшгача) мустақил ва онгли равишда медиага эҳтиёжи ҳамда ахборот истеъмолини белгилай олмайди. Визуал маълумот боланинг асаб тизимига ҳеч қандай тўсиқсиз таъсир ўтказади. Чунки улар катталарга қараганда ахборотни самарали ўзлаштиради. Ўзи кўрган, эшитган ҳамма маълумотни хотирасида тез ва узоқ сақлаб қолишга қодир. Шунинг баробарида ахборотни бевосита, яъни ички таҳлилсиз қабул қилади. Энг ёмони, болалар кўчадаги ҳақиқий ҳаёт ва медиа тасвирлаган тўқима ҳаётнинг фарқини англай олмайди. Ижтимоий тармоқда кўрганини ҳақиқат деб фараз қилади.



Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти икки ярим ёшгача бўлган болаларга ҳар қандай рақамли контентни чеклашни тавсия этади. Рақамли контент мия ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Уч ёшдан кейин ҳам медиа билан муносабат рационал ва тартибли бўлиши лозим. Ўн ёшгача бўлган қарийб 7,5 миллион бола яшайдиган Ўзбекистон учун бу масала ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, юртимизда 10-12 ёшли аудиториянинг 60 фоизи мессенжерлардан, 47 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Интернет ўсмирлар ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Болалар ва ўсмирларнинг интернетдаги асосий вақти YouTube ўтади. Бу видеоресурс бўйинлар ва саёҳатлар ҳақидаги лавҳалар уларнинг қизиқишини орттиради. Бироқ буларнинг кўпчилиги ахлоқ чегараси ва нормаларига зид.

Айни шу омилларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда рақамлашган маконда болалар ва ёшлар ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Унда мактаб ва олий таълим муассасалари таълим дастурларида рақамли ахлоқ ва саводхонлик бўйича махсус курслар ташкил қилиш, ижтимоий тармоқларда хавфсиз фаолият ва масъулиятни таълимга олиш, ота-оналар, педагоглар ва ёшларнинг рақамли муаммолар ҳақидаги билимини ошириш учун маҳорат дарслари ҳамда семинарлар ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат, ҳуқуқ ва масъулият ҳақида маърифий материаллар тарқатиш, қолаверса, салбий хулқ-атворга қарши курашиш, ижобий рақамли фаолият учун мукофотлаш тизимини жорий қилиш керак. Бундан ташқари, рақамли платформаларда болаларнинг контент яратишини рағбатлантириш ва ижодкорликни қўллаб-қувватлаш ҳам жуда муҳим.

Бу орқали ёшларнинг рақамли муҳитда ўз ҳуқуқлари ва вазифалари ҳақидаги билими ортади. Интернетдаги хавф-хатарлар камайиб, болаларнинг шахсий маълумотлари тўлалигича ҳимоя остида бўлади. Энг муҳими, ижобий ижтимоий муҳит яратилади. Бу эса, ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга замин яратади.

Дунё тажрибасига қарайдиган бўлсак, болалар ва ёшлар учун худди шундай алоҳида кодекслар аллақачон мавжуд. Масалан, Данияда болалар ва ёшлар учун рақамли фаолият кодекси ишлаб чиқилган. Унда интернетда ҳурмат, хусусийлик ва ижобий алоқа бўйича тарбиявий принциплар белгилаб қўйилган. Маърифий дастурлар орқали ёшларга этик норма ва қоидаларга амал қилишни ўргатишади. Финляндия давлатида эса, рақамли саводхонлик таълим дастурлари орқали олиб борилади. Ёшларга рақамли дунёни ўрганишлари ва ижтимоий муносабатларда ёрдам бериш учун кодекс асосида мулоқот олиб борилади. Австралияда "eSafety" агентлиги бор. Мазкур агентлик болалар ва ёшлар учун интернетда хавфсизлик бўйича кўплаб ресурслар ва кодекслар таклиф этади. Мақсад – интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва масъулиятли фаолиятни рағбатлантириш. Шунингдек, Австралия ҳукуматининг “eSafety Commissioner” хизмати, ёшларга интернетда хавфсизлик, хусусан, кибер таъқибга қарши курашиш ва контентга доир ахлоқий меъёрларни ўрнатиш бўйича ресурслар таклиф этади.

АҚШда интернетда хавфсизлик ва этика масалалари бўйича ота-оналар, педагоглар ва ёшлар учун ресурслар таклиф этувчи "NetSmartz" дастури ишга туширилган. Унда ёшларнинг интернетдаги муносабатлари ва ижобий хулқ-атворлари бўйича маълумотлар берилади. Бундан ташқари, АҚШда интернетда қурбон бўлишни профилактика қилиш бўйича кўплаб дастурлар мавжуд. Мисол учун, "StopBullying.gov" веб-сайти ахлоқий одоб кодексига амал қилиш ва ёшларни маълумот билан таъминлашга ёрдам беради. Айни мана шу каби концепция ва дастурлар Британия, Япония, Швеция, Канада, Норвегия, Сингапур мамлакатларида ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, хориж тажрибаларига асосланган рақамлашган маконда болалар ва ёшлар учун ахлоқ-одоб кодексини ишлаб чиқиш Ўзбекистон учун муваффақиятли ва самарали ёндашувлардан фойдаланишга имкон беради. Энг муҳими, бу асосда ижобий ва масъулиятли рақамли фаолиятни рағбатлантириш ҳамда ёшларни тарбиялаш учун самарали механизмлар яратилади.

Фаррух АБРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратураси тингловчиси

Ажаб савдолар

Ёлғоннинг фош этилиши

... Сабоҳатни “Оҳангароншифер” акциядорлик жамиятининг янги тайинланган раҳбари Мақсуд Мустафоев ҳузурига чақиртирди:

– Эшитаман, Мақсуд Очилович!

– Гап бундай, Аҳмедова! Мен “Оҳангароншифер” акциядорлик жамиятига ишчи-ходимларнинг анчасини қисқартириш учун келганман. Заводда одам кўп экан. Акциядорлар йиғилишининг бу ҳақдаги қарори ҳам бор, мен уни бажаришим керак... Сизнинг бўлимингизда кўплаб ҳомиладорлик таътилида юрган аёллар бор эмиш, ҳаммасини зудлик билан бўшатиш тўғрисида хизмат хати ёзасиз, гап тамом – вассалом!

– Ахир қонунчиликка биноан биз уларни ишдан бўшатишга ҳаққимиз йўқ-ку?

– Топшириқни бажаринг!

– Кечирасиз, ўртоқ бошлиқ, мен бу топшириғингизни бажара олмайман!

Раҳбар унга ғазаб билан тикилди.

Сабоҳат корхонада йигирма саккиз йилдан бери турли раҳбарлар билан ишласада, ҳали бунақа ҳолатга тушмаган эди. У ҳайроналик ва афсус билан худди теракнинг баргидай қалтираб хонадан чиқди.

Ҳолбуки, “Меҳнат кодекси”нинг 4-моддасида таъкидланганидек, барча ходимлар меҳнат соҳасида тенг ҳуқуққа эгадирлар. Кимгадир имтиёз белгилаш ва кимгадир чеклов ўрнатиш қатъиян тақиқланади. Қолаверса, “Оҳангароншифер” давлат корхонаси, унда давлатнинг 54 фоиз улуши бор. Корхона хусусий бўлса ҳам бошқа гап эди, бироқ қонунчиликка биноан мулкчилик шаклидан қатъи назар, “Меҳнат кодекси”га ҳамма сўзсиз амал қилиши шарт!

Томошанинг каттаси эртаси куни бошланди...

Сабоҳатни зудлик билан ходимлар бўлими бошлиғи хонасига чақиртирди:

– Гап бундай, Сабоҳатхон, сиз қисқартиришга тушдингиз. Мана, сизга огоҳлантириш хати. Имзо чекиб, қабул қилиб олинг.

Сабоҳат ҳам ҳайрат, ҳам алам билан 2023 йил 9 августдаги огоҳлантириш хатига имзо чекар экан, ходимлар бўлими бошлиғига юзланди:

– Бу қанақаси энди, мен корхонада узоқ йиллардан бери ишласам, қолаверса, уч нафар фарзандим бўлса...

– Мен буни яхши биламан, лекин раҳбарга қарши бора олмайман.

– Ахир қонун бор-ку?

– Ҳа, энди қонунлар бошқа, лекин ҳаёт бошқа... Раҳбарнинг топшириғини бажараверишингиз керак эди, нима қилардингиз одамларни ўйлаб...

Сабоҳат “Мени ҳимоя қилар” деб умид билан корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Раҳим Холиқуловнинг хонасига кирди:

– Кечирасиз, мен бу масалада директорнинг олдига кира олмайман. Мени маъзур тутинг. Биласиз, пенсиямга оз қолган...

Сабоҳат уйга келиб, “Меҳнат кодекси”ни варақлади. Унинг 167-моддасига асосан узоқ йиллар ишлаган ва қарамоғида икки ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, башарти, лавозими қисқартирилаётганда малакасига мос иш берилади. Сабоҳатга эса ҳеч қандай иш таклиф этишмади.

Икки ойлик огоҳлантириш муддати ҳам худди йигирма йилдай ўтди.

2023 йилнинг 9 октябрида Сабоҳатнинг олдига қўриқлаш хизмати бошлиғи Умид Эргашев қўлида қандайдир бир қоғоз билан келди:

– Сабоҳат опа, мен буйруқни бажаришим керак. Сиз ишдан бўшабсиз. Мана, директорнинг буйруғи, ҳозироқ заводни тарк этишингиз керак...

Сабоҳат ҳатто хизмат хонасидан шахсий буюмларини олиб чиқишга ҳам улгурмади. Кўзида ёш билан қадрдон корхонасидан чиқар экан, орқасидан дарвозанинг шарақлаб ёпилгани эшитилди...


Шу бўлдию, Сабоҳат Аҳмедова Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига “Оҳангароншифер” АЖ раҳбарининг 2023 йил 9 октябридаги 251 к-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиш ва ўзи ишлаб келган ўрин – сифатни назорат қилиш ва лаборатория бўлими бошлиғи вазифасига ишга тиклаш тўғрисида даъво аризаси киритди.

Судья Сулаймон Панжиев судда жавобгар вакили Р.Холиқуловга савол билан юзланди:

– Аҳмедова билан меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинаётганда, касаба уюшма қўмитаси розилиги олинганми?

– Йўқ. Чунки Аҳмедова алоҳида таркибий бўлинма раҳбари ҳисобланади, бу ҳолатда касаба уюшма қўмитаси розилиги олинмайди.

Аслида шу пайтда Холиқулов шошиб қолганди. Негаки, иш берувчи Аҳмедова билан боғлиқ ҳолатда касаба уюшма қўмитасига тақдимнома киритмаган, бинобарин, розилиги олинмаганди. Балки, Мустафоев ҳамда Холиқулов Сабоҳат судга даъво аризаси киритади, деб ўйламаган ҳам чиқар.



Вазиятдан чиқиб кетиш учун Холиқулов шартта ёлғон ишлатди ва қарангки, судья ҳам бу гапнинг тагини суриштириб ўтирмади...

Аслида, Меҳнат кодексининг 164-моддасига асосан, алоҳида таркибий бўлинма раҳбари билан меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинганда касаба уюшмасининг розилигини олиш шарт бўлмаслиги учун корхона тугатилган ёки корхонанинг мулкдори ўзгарган бўлиши керак эди.

Аҳмедова билан боғлиқ ҳолатда эса суд жараёни кетаётган вақтда “Оҳангароншифер” АЖ тугатилмаган ва унинг мулкдори ҳам ўзгармаган эди.

Қолаверса, Аҳмедова алоҳида таркибий бўлинма раҳбари эмас, унда на ҳисоб рақами ва на муҳр бор, у оддий бир бўлим бошлиғи эди, холос.

Энг ажабланарлиси, судья Панжиев жавобгар вакили Р.Холиқуловнинг касаба уюшмаси раиси эканлиги ва у Меҳнат кодексининг 43-моддасига кўра меҳнат низоларини кўрувчи органларда иш берувчининг эмас, балки ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши зарурлиги ҳолатига ҳам негадир ҳуқуқий баҳо бермади...

Алқисса, судья 2024 йил 28 февраль куни даъвони рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини (иш рақами № 2 -1107 -2309 \14795) чиқарди.

Турган гапки, Сабоҳат апелляция судига шикоят аризаси киритди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг Зафар Абдураҳимов раислигидаги апелляция судлов ҳайъати ҳам 2024 йил 12 июнь куни Оҳангарон туманлараро судининг 2024 йил 28 февралдаги С.Аҳмедовани ишга тиклашни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида А -448 -28 сонли ажрим чиқарди.

Шундан сўнг кўпчилик одамлар Сабоҳатга ўзларича маслаҳат бердилар:

– Сабоҳат, энди бўлди, бас қилақол, юта олмайсан...

– Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди...

– Йўқ, – деди Сабоҳат қатъий, – мен адолат ғалаба қилишига ишонаман. Охиригача бораман!

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг тафтиш инстанциясига Сабоҳат тафтиш шикояти киритди.

Тафтиш инстанциясининг Шарофиддин Ҳамроев раислигидаги судлов хайъати шикоятни уч-тўрт маротаба суд мажлисида синчиклаб муҳокама қилди.

Сабоҳат вилоят судининг билимдон ва зукко судьяси Шарофиддин Ҳамроев тўғрисида кўп илиқ гапларни эшитган, уни адолатли судья сифатида таърифлашганди.

2024 йил 9 октябрь куни маслаҳатдан сўнг судлов ҳайъатининг раиси Ш.Ҳамроев суднинг ажримини ўқиб эшиттирди.

Унга кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция судининг ажримлари бекор қилиниб, Сабоҳат Аҳмедова “Оҳангароншифер” акциядорлик жамиятига сифатни назорат қилиш ва лаборатория бўлими бошлиғи вазифасига ишга тикланди. Шунингдек, директор Мустафоевнинг ғайриқонуний буйруғи бекор қилиниб, Аҳмедовага мажбурий прогул учун ўртача иш ҳақи ва маънавий зарар пули ундириб бериладиган бўлди.

Суднинг ажримига тушунтириш берар экан Шарофиддин Ҳамроев шундай деди:

– Биз Аҳмедовани ишга тикладик! Аслида, бу қатъиятли аёлдан шунча вақт азият чеккани учун ҳаммамиз кечирим сўрашимиз керак...

Шундай. Бундай ҳолатлар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси

Дилдаги гаплар

Китобхонликдан ким манфаатдор?

Китобхонлик нима? У қандай шаклланади?

Қўлида китоб кўтариб юрганнинг ҳаммаси китобхонми?

Ҳақиқий китобхон билан шунчаки китобсеварни қандай фарқласа бўлади? Айтайлик, кўп китоб ўқиган одам ашаддий китобхонми ёки танлаб-танлаб ўқиганми?

Автобусда, метрода, поездда китоб ўқиб кетаётганларни ҳам ҳақиқий китобхонлар сафига қўшса бўладими?..

Саволларни яна давом эттириш мумкин. Лекин бу билан китобхонликка аниқ ташхис қўйиш жуда қийин. Китобга чин ошно бўлиш жараёни осон кечмайди. Кимдир болалигидан, кимдир ўсмирлигидан яна кимдир улғайганида китобга меҳр қўяди. Умуман, китобни севиш, унга меҳр қўйишда ёшнинг аҳамияти йўқ. Хуллас, китобхонлик жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади.

Кимдир битта китобни ўқиб, кимдир тўрт-бешта китобни ўқиб унга меҳр қўйиши мумкин.

Гап яхши ва доно китобларга ошно бўлиш ҳақида кетаётир. Дуч келган китобни тартибсиз ва палапартиш ўқиш бу ҳақиқий китобхонликка кирмайди. Шундай китобхонлар бор: бири енгил-елпи эртакларни, бири саргузашт асарларни, яна бири олди-қочди мавзуларда ёзилган китобларни ўқиб, “бир кунда ёки бир кечада ўқиб чиқдим”, – деб мақтаниб юрадилар. Агар ўша китоб ҳақида сўрасангиз, у воқеаларни узуқ-юлуқ баён қилишдан нарига ўтмайди. Бир-икки кун ичида ўқиган китобини унутиб юборади. Яна бир тоифа китобхон борки, нуқул ишқий мавзудаги китобларни ахтариб топиб мутолаа қилади. “Нозик саҳифалар”ни ёдлаб олиб, завқ билан айтиб юради. Тарихий мавзулардаги асарларга меҳр қўйган китобхонлар анчагина топилади. "Ўтган кунлар", “Навоий”, “Юлдузли тунлар”, “Улуғбек хазинаси” сингари адабиётимиз дурдоналарининг қайта-қайта нашр этилаётгани бунинг ёрқин мисолидир. Бундай жиддий китобхонларни фақат олқишлаш керак, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг сафлари кенгайиб боришини истаймиз.

Китоб шунчаки эрмак ёки бўш вақтни ўтказиш учун ўқилмайди. Китоб маънавий – озиқ, руҳий – куч-қувват. Китоб инсон камолотининг биринчи калити. Китоб одамни кашф қилади. Унинг очилмаган қирраларини очади, ўзлигини намоён этади. Машҳур немис адиби Ҳерман Ҳессе шундай ёзади: “Китоблар инсонни ҳаётга йўллагандагина, унга хизмат қилгандагина фойдалидир. Агар китоб ўқувчига оз бўлса-да, куч-ғайрат, шижоат, маънавийлик поклик бахш этмаса, мутолаа учун сарф этилган ҳар бир соат беҳуда ва бесамар бўлиб қолаверади.

Шунчаки ўқиш – бу диққатни тўплашга мажбур этувчи машғулот ва овуниш учунгина ўқиш – ўз-ўзини алдашдир.”

Баъзан ўйлаб қоламан: ўз-ўзини алдаб юрган китобхонлар орамизда кўпми, озми? Албатта, кўп! Афсуски, ҳатто зиёлилар орасида китобнинг аннотацияси (қисқача мазмуни)ни ўқиб, ўзини “китобхон” деб юрганлар ҳам бор. Улар ўзларини ҳар қанча билимдон, кўп китоб ўқиган кимса, деб ҳисобламасинмаймиз, деб нолишади. Бу ҳам аслида ўша китобхоннинг интилишига, тушунишича ва астойдил қизиқишига боғлиқ. Ҳазрат Алишер Навоийни ҳам, Абдулла Ориповни ҳам бирдек ўқийдиган ва англайдиган китобхон билимдон, мутолаа сир-синоатларини пухта ўрганган бўлади.

Аслида ҳақиқий билимдон китобхон бўлиш ҳам – истеъдод. Одам ўз китобини топса, ўқиб вужуди билан ҳузур қилса, ақл ва тафаккури юксалса, маънавий озиқ олса, бундан ортиқ маънавий бахт борми? Шу боис қайси ва қандай китоблар ўқилаётганлигини кўриб, китобхоннинг тафаккур даражасини, иқтидорини билиш ҳамда белгилаш мумкин.

Ҳозир нашриётларда китобхонлар талабларини ўрганиш қай аҳволда? Афсуски, кўп нашриётлар бу масалада ҳамон оқсаётир. Улар асосан бозорбоп китобларни чоп этиш билан овора. Енгил-елпи, саёз китобларни айнан савияси, дунёқараши ўша китобларга мос келадиган ўртамиёна китобхонлар қўлма-қўл ўқиётганига гувоҳ бўламиз. Чунки ундайлар ақлини чархлашга, озгина бўлсаям маънавиятини ўстиришга эринадилар. “Китоб ўқиб бирор фойда топармидинг?” деб ўзларига таскин бериб овунадилар. Агар улар эринмасдан китобга астойдил меҳр қўйиб, ҳар бир саҳифасидаги жавоҳирларни қалбларига жо қилсалар дунёдаги энг зўр ва бебаҳо нарсаларни топган бўлардилар. Биз, кутубхонага ёки китоб дўконига боришдан кўра, ҳамиша чойхонага шошамиз. Ҳузур қилиб китоб ўқишнинг ўрнига зиёфатларда бемаъни гапларни айтиб, валдиришни хуш кўрамиз. Тониб нима қилдик – маишатпарастлик қонимизда бор...



Китобхонлар, барибир ҳақиқий китобхонлар сафидан ҳеч қачон ўрин ололмайдилар. Бундайлар ўзларига ўхшаган сохта китобхонларни алдаб юрадилар холос...

Яна бир мулоҳаза. Китобхоннинг қандай китобларни ўқиётганига қараб, унинг қай даражада маънавиятли эканлигини ҳам билиш мумкин. Шундай китобхонлар борки, мумтоз ва классик асарлардан тортиб, замонавий адабиётгача теран маҳорат билан ўқийдилар. Айримлар ҳануз Алишер Навоий асарларини ўқиб тушунтоблар сотиладиган расталарда бир аёл 8 ёшли боласига китоб излаб юрганига гувоҳ бўлдим. Назаримда, бу ёшдаги бола аввало дунёвий билим олиши керак эмасми? Ушбу масалада аввало ота-онанинг ўзи яхши ва билимдон китобхон бўлиши керак.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” қабул қилган қарори тарихий воқеа бўлди. Бу қарор китобхонлик учун кенг имкониятлар эшигини очди, китобга чуқур меҳр қўйиш учун майдон яратди. Ҳаммамизни бирдек китобнинг сирли ва сеҳрли оламига қайтадан ошно этди, китобхонлик сари чорлади. “Энг яхши китобхон” кўрик-танлови анъанага айланди. Айниқса, ёш авлодни ҳақиқий китобхон қилиб тарбиялашда ушбу танловнинг аҳамияти жуда юксак. Бугун болалар ва ёшларнинг маънавий тарбияси жуда долзарб бўлиб турибди. Бу жиддий вазифани ҳал этишда китоб бизга асосий кўмакчи бўлишига ишонамиз. Ёшларнинг (катталарнинг ҳам) қўлларидаги телефонларни китобга алмаштириш фурсати етди.

Бугун уларга энг яхши, энг сара китобларни беришимиз керак. Китоб ва китобхонлик билан боғлиқ тадбирларни кўпайтириш зарур.

Умримизни китоб билан мустаҳкам боғласак, барча соҳалардаги ислоҳотлар ҳам ўз-ўзидан жонланади. Миллатимизнинг маънавий камолоти юксалади.

Айниқса, китоб ва китобхонлик билан боғлиқ тадбирларда, катта-кичик танловларда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ва “қўшиб ёзиш” иллатларини четлаб ўтсак, улуғ савоб ишларни қилган бўламиз. Шунда китобнинг уволига қолмаймиз.

Яхши китобнинг дунёга келиши воқеа бўлганидек, истеъдодли китобхоннинг пайдо бўлиши ҳам маънавий воқеадир...

Китобхонлик мавзуси жуда кенг ва қамрови катта. Ва ҳамиша долзарб. Барча фикр-мулоҳазаларни бир мақолага сиғдириш қийин. Китобхонлик ва мутоаа санъатини юксалтирмас эканмиз, асл китобларнинг мазмун-моҳиятини тушунмаймиз, китобдан-китобнинг фарқига бормаймиз. Унинг инсоният тафаккурида тутган улкан ва беқиёс вазифасини тушуниб етмаймиз.

Китобхонликдан, энг аввало, китобхон катта манфаат кўради. Бундан жамият наф кўради. Энг муҳими, халқ маънавияти юксалади, онг ва тафаккури ўсади.

Ҳар биримизга юксак дидли ва билимдон китобхон бўлиш бахти насиб этсин!

Ашурали ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Сўраган эдингиз



– Баъзи ҳолатларда нафақа ёшига етган фуқаролар пенсия тайинланиши учун мурожаат қилганларида иш стажи етишмайди. Бу каби муаммолар бўлмаслиги учун қандай йўл тутиш керак?

Ҳилола БАДАЛОВА,
Тошкент тумани

Саволга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси мутахассиси Аборбек БЕКМУРОДОВ жавоб беради:

– Маълумки, айни вақтда Пенсия жамғармаси пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг барча маълумотларини тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олмоқда.

Шахснинг иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилган бўлса, “иш стажи етишмаслик” ҳолати юз бермайди.

Аксинча, фуқаро ишлаган ташкилот, корхона ва муассасалар қонунчиликка мувофиқ ходимнинг пенсия тайинлаш учун зарур бўлган маълумотларини (меҳнат стажи, иш ҳақи ва бошқалар) “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритмаган тақдирда пенсия тайинлаш вақти келганда “иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар” чиқмаслиги мумкин. Бундай ҳолатга тушмаслик учун расмий меҳнат фаолияти юритаётган барча фуқароларимиздан иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларга эътиборли бўлган ҳолда, иш берувчиларидан барча маълумотларни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритиб, рақамлаштириб қўйишларини маслаҳат берамиз.

Шунингдек, ишламаётган фуқаролар меҳнат дафтарчаларидаги маълумотлар рақамлаштирилмаган бўлса, яшаш ҳудудларидаги камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига мурожаат қилган ҳолда, меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириб олишлари мумкин. Мазкур хизмат мутлақо бепул амалга оширилади.

БЕКОБОДДА БАРДАВОМ ИСЛОҲОТЛАР

Қайд этиш жоиз, сўнгги йилларда Бекобод шаҳри ана шундай барқарорлик сари дадил одимламоқда. Бугун барча тармоқларда сезиларли ўсиш кўзга ташланмоқда. Ҳозир шаҳарда 161 та саноат, 11 та қишлоқ хўжалиги, 109 та қурилиш, 1 минг 194 та савдо ва хизмат кўрсатиш, 1 минг 878 та кичик бизнес субъектлари фаолият юритмоқда.

Шунингдек, ҳудудда хизматлар ҳажми – 1 трлн. 175,4 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 162,6 млрд. сўм, экспорт ҳажми 8,2 млн. доллар (режага нисбатан 110 фоиз), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 1,1 млн. доллар (режага нисбатан 100 фоиз), импорт ҳажми эса 103,7 млн. долларни ташкил этади.

Маълумки, Бекобод саноат шаҳри ҳисобланиб, республикадаги йирик корхоналардан иккитаси – “Ўзметкомбинат” АЖ (9,2 минг ходим ишлайди. Бу банд аҳолининг 22 фоизи дегани) ҳамда “Бекободцемент” АЖ (мингга яқин ишчи ва ходимлар меҳнат қилади) шу ҳудудда жойлашган. Шаҳарнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши саноатда 7,2 фоизни, хизматда 4,8 фоизни ташкил этмоқда.

Мазкур кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу бевосита инвестиция ҳажмининг ошиши билан боғлиқ. Бугунги кунга қадар ҳудудга 22,8 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилган бўлиб, ўсиш суръати 132,6 фоизга тенг.

Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш бўйича 36 та банддан иборат “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳудудда 2024-2025 йилларда 1,4 трлн. сўмлик саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, 106 млн. долларлик 20 та инвестиция лойиҳаси ҳисобига 1,4 мингта янги иш ўринларини яратиш белгиланган.

Бундан ташқари, Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, замонавий сервис хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш, янги ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш, шаҳарда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ИМКОНИЯТЛАР БОР – ФОЙДАЛАНИШ ШАРТ!

Бугунга қадар Бекобод шаҳрининг барча тармоқларини ривожлантириш учун салмоқли ишлар қилинган бўлса-да, ҳали ҳудуднинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Яқинда Президентимиз вилоятга қилган ташрифлари давомида ҳудудда қўшимча 13 миллиард доллар инвестиция, 500 минг иш ўрни, бюджетга 3,5 триллион сўм тушум қилиш имкониятлари аниқланганини таъкидлагандилар. Шу ўринда, Бекобод шаҳрида ҳам қўшимча инвестиция киритиш имкониятлари етарли эканини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, ўтказилган таҳлил ва ўрганишлар натижасида Бекобод шаҳрида қуйидаги имкониятлар мавжудлиги аниқланди:

– **Қўшимча инвестиция киритиш.** Жорий йилда ҳудудга **31 млн. доллар** миқдорида инвестиция киритиш режа қилинган эди. Амалда, дастлабки 8 ойда мазкур режа 74 фоизга (23 млн. доллар) бажарилди. Умуман олганда, 2024-2026 йилларда Бекобод шаҳри ҳудудида ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда тураржой объектларини барпо этиш орқали қўшимча 235 млн. доллар инвестицияларни жалб этиш имконияти мавжуд.

– **Янги иш ўрни яратиш.** Аҳоли бандлигини таъминламай туриб, фаровонликка эришиб бўлмайди. Шуни инобатга олиб, мазкур масала устувор этиб белгиланган. Хусусан, 2024 йил бошида ишлаб чиқилган режага кўра, йил якунига қадар 20,1 мингта янги иш ўрни яратиш вазифа қилиб белгилаб олинган эди. Амалда, дастлабки 8 ойда мазкур режа 59 фоизга (11,9 мингта иш ўрни) бажарилди;

– **Давлат бюджетига қўшимча маблағ тушириш.** Белгиланган режаларнинг амалга татбиқ этилиши ортидан нафақат аҳоли бандлиги таъминланади, балки давлат бюджетига қўшимча маблағ тушириш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқилган “Йўл харита”мизга мувофиқ, 2024 йил якунига қадар бюджетга 65,6 млрд. сўм маблағ тушириш режалаштирилган бўлиб, амалда ўтган 8 ойда бу 57 фоизга (37,4 млрд. сўм) бажарилди.



16 МИНГ ФУҚАРО УЙЛИ БЎЛАДИ

Таъкидлаш жоизки, шаҳар аҳолиси сўнгги 5 йилда 9,4 минг нафарга (9,8 фоизга) кўпайган ва 24,4 мингта хонадонда яшовчи 28,2 мингта оиланинг 3 мингтасида алоҳида уй-жойга эҳтиёж бор. Бундан ташқари, ҳар йили қиш фаслида Бекобод тумани ва Ширин шаҳридан ҳам қарийб минг нафар аҳоли Бекобод шаҳрига келади. Бу эса ўз-ўзидан уй-жойга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Мазкур масалани ҳал этиш ҳам устувор мақсадларимиздан.



Хусусан, 2024-2026 йилларда Сенат қарори билан 2021 йилда Бекобод шаҳрига ўтказилган 53,31 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” даҳасини барпо этиш кўзда тутилган. Янги даҳада 5 минг 310 та хонадондан иборат 118 та кўп қаватли уй қурилиб, 16 минг фуқаро тураржой билан таъминланади. Шунингдек, мазкур ҳудудда 472 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 1 та мактаб, 1 та болалар боғчаси, 1 та поликлиника ҳамда инфратузилма объектлари барпо этиш орқали мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконияти мавжуд.

ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИМИЗ ҲАМ ОЗ ЭМАС...

Шаҳарда туризм ва хизматлар соҳаси кенгайиб бормоқда. Бунда ҳудуднинг Тожикистон билан чегарадошлиги қўшимча имкониятлар бераётганини таъкидлаш лозим. Ҳозирда шаҳарга қўшни республикадан кунига ўртача 2 минг нафар хорижий турист ташриф буюради. Келгусида шаҳар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган дастурдан сайёҳлар оқимини кўпайтириш масаласи ҳам ўрин олган. Бу орқали иқтисодий барқарорликни янада яхшилаш имконияти мавжуд. Хусусан, ҳозирда “Сирдарё”га уланган “Хоз-ёз” канали бўйидаги 6,5 гектар майдонда сайилгоҳ ташкил этиш, кўнгилочар ва сервис лойиҳаларни жойлаштириш имконияти мавжуд. Мазкур лойиҳаларни тўлиқ ишга тушириш ортидан 300 нафар аҳоли даромадли ишга эга бўлади ҳамда 100 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари вужудга келади.

Шунингдек, шаҳарнинг марказий шифохонаси атрофида 10 га яқин тиббий хизмат нуқталари мавжуд бўлиб, уларга ойига 5 минг нафар, шу жумладан, Тожикистондан ойига 1,5 минг нафарга яқин аҳоли ташриф буюради. Улар сонини ошириш орқали даволанишга келадиган туристларни ҳам кўпайтириш мумкин.

Бундан ташқари, “Обод турмуш”, “Нурли йўл”, “Самарқанд” ва “Сирдарё” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 1,7 км. йўл бўйи инфратузилмасида 10 минг нафаргача аҳолига хизмат кўрсатувчи, 24/7 режимида ишловчи гастрономик кўча ташкил этиш режалаштирилган. Шу билан бирга олдимизда “Бекобод–Тошкент” автойўлининг Бекобод шаҳри ҳудудидан ўтувчи 6 км. қисмида йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Режага кўра, ушбу йўл Бекобод шаҳрига киришдан Тожикистонгача масофадаги марказий кўчаларни қамраб олиб, кунлик қатнов сони 7 минг нафар аҳолини ташкил этади.

БАРЧАСИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УЧУН

Эътиборлиси, қилаётган ишларимизнинг барчаси, энг аввало, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Айниқса, ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, **ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш юзасидан ўтказилган йиғилишда** давлатимиз раҳбари IT-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудларда “Креатив парк”лар ҳам ташкил этиш, шу орқали ёшларнинг иқтидорларини ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқ берган эдилар.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги “Ёшлар маркази”ни 5 минг нафар ёшга хизмат кўрсатувчи Coworking (wi-fi) зона, тўгараклар ва кутубхонани ўз ичига олувчи “Креатив парк” шаклида реконструкция қилиш белгиланган.

Шунингдек, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш мақсадида ҳудудда 3 та мактабгача таълим ташкилоти, битта мактаб ва битта поликлиника қуриш, 2 та мактаб биносини таъмирлаш, 2 та кўприкни реконструкция қилиш, хиёбон олдидаги ва туристик кўчаларни асфальтлаш, 15 км. сув тармоғини таъмирлаш масалалари ҳам “Йўл харитаси”дан жой олган.

Мухтасар айтганда, сўнгги йилларда шаҳримиз инфратузилмаси, аҳолининг яшаш шароити сезиларли даражада яхшиланди. Бироқ, бу билан кифояланиб қолиш асло тўғри эмас. Бекободда ҳаётбахш ислоҳотлар бардавом. Демак, аҳолини рози қиладиган, улар учун чинакам фаровонликни таъминлайдиган натижаларимиз ҳали олдинда.

Насрулла БАБАЕВ,
Бекобод шаҳар ҳокими

Шанба табассуми

Эртанги эртак
(Интермедия)

Хонадон. Эр газета ўқиб ўтирибди. Икки қўлида халталар билан МАРЯМ киради.

ЭР: – Чарчамай келяпсизми, онаси?

МАРЯМ: – Вой, нимага чарчар эканман, дадаси... Бугун ўнг томоним билан турган эканман... Бозорга шундай кириб боряпман, ҳаммаёқ чиннидай тоза, сувлар сепилган... Йўлакларда тугул, ҳатто ахлат қутиларида ҳам бир чимдим чангни ёки чиқиндини кўрмайсиз... Бозор эшиги олдида бозорком, бошлиқ ўринбосарлари, паттачилари, санэпидстанция ходимлари оппоқ халатларни кийиб, қўллари кўксида тизилиб турибди.

“Бозоримизга хуш келибсиз, опажон!” деб бозоркомнинг ўзи мени кутиб олди. Ёнидаги стулга таклиф қилиб, “Чарчагандирсиз, чанқагандирсиз?” деб бир пиёла чой қуйиб узатди.

ЭР: – Бозорком-а?

МАРЯМ: – Ҳа, бозорком! Яна, “Харид баҳона бозорни айланиб, кўнглимни хушлайман, десангиз, марҳамат! Агар дам олиб турмоқчи бўлсангиз, харид қиладиган нарсаларингиз рўйхатини беринг, йигитлар бозор қилиб беришади”, деди.

ЭР: – Сен рўйхатни бердинг?

МАРЯМ: – Йў-ғе! Харид баҳона кўнглимни хушлайин деб бозор ичкарисига юрдим. Ортимдан бир йигитча эргашди...

ЭР: – Киссавурми?

МАРЯМ: – Эй, нималар деяпсиз! Оппоқ халат кийган, аравача етаклаган бир йигитча: “Қийналиб қолманг, опажон, харид қилган нарсаларингизни оласиз, аравамга соласиз, ташқарига олиб чиқиб бераман! Бизнинг хизмат – беминнат! Сизнинг харидингиз орқали бола-чақамни боқяпман”, дейди.

Ичкарига кириб баттар оғзим очилиб қолди. Сотувчи қиз-жувонларнинг ҳаммаси оппоқ халатларда. Чаккаларида райҳон, жамбил, гул, юзларида табассум, қўллари кўксида: “Келинг, опажон, хуш келибсиз!” деб туришибди. Кўҳликкина жувон олдимга югуриб келди. “Ассалому алайкум! Нима харид қилмоқчи эдингиз, опажон? – деб сўради. – Мева-чева олмоқчи бўлсангиз қудабоплари Салимахонда, рўзғорбопларини Холида опамдан оласиз”, деб сотувчилар билан бир-бир таништирди. Салимахон, Холидахон деганлари табассум билан қўллари кўксида, “Сизнинг харидингиз, бизнинг тирикчилигимиз!” деди.

Эр асабийлашиб, столни барабан каби чала бошлайди.

– Гўшт растасида турган йигитларни кўрсангиз, – дея давом этди Марям. – Бошларида марғилон дўппи, эгниларида оппоқ кўйлак, белларида атлас қийиқча... (мулойим овозда) Гўштларни бир-бир кўрсатиб, “Опажон, мол гўштидан тортайликми ё қўй гўштидан? Аммо эчки гўшти излаб овора бўлганингиз қолади, савдода умуман йўқ. Бизда шўрвабопи, Болтавой акада ошбопи, димламага Тошқўзи акадан оласиз...

Эр ўтиролмай, хонада у томондан, бу томонга юради.

МАРЯМ: – Шу пайт битта муйсафид гўшт растасига кириб келди. Қарасам авзойи бузуқ.

Эрнинг чеҳрасига табассум югуради, диққат билан тинглайди.

“Кимдан гўшт олгандим?” сўради у жаҳл билан. “Мендан, тинчликми, отахон?” хушбичим йигит унинг олдига югуриб келди. “Бир кило гўшт олгандим, назорат тарозида тортиб кўрсам...”

Эр қувониб, қўлларини бир-бирига ишқайди.

“... Берган гўштинг уч юз грамм оғир чиқди!”

ЭР: – Уч юз грамм оғир чиқди?

МАРЯМ: – “Уч юз грамм ортиқча гўшт бериб юборибсан. Менга бировнинг ҳақи керак эмас!” деб мўйсафид сотувчининг олдига гўштни отди.

МАРЯМ: – Тўполонни эшитиб назоратчи югуриб келди. “Грамм-граммигача тўғри кўрсатадиган янги тарозилар ўрнатгандик, бу ёшлик қилиб ишлатишни билмай, ўзининг ҳақидан уриб қолибди”, деб икки букилиб кечирим сўрай кетди. Қассоблар бўлса ҳаммаси бир овоздан: “Ўз ҳақига хиёнат қилган қассобга орамизда ўрин йўқ!” деб ҳайқиришди.



ЭР: – Тўхта, тўхта, тўхта!

МАРЯМ: – Шошманг, энди. Сабзи-пиёз, сабзавотлар растасига ўтдим... “Орамиздан олибсотарларни тополмайсиз!” деган шиорни ўқловдай-ўқловдай ҳарфлар билан ёзиб, баландга осиб қўйишибди. Бунисига унча ҳайрон бўлмадим. Ишонасизми, ҳамма маҳсулотлар бор, аммо сотувчилар йўқ! Сотувчилар: “Керагини ўзлари танлаб-танлаб тортиб олишаверсин, деҳқончилик бўлса, тош-тарозига қараб ўтириш бизга уят”, деб ҳов, толнинг тагида чойхонада ўтиришибди.

Эр юрагини чангаллаб, афтини буришtirади.

МАРЯМ: “Булар аслида, бозорком бувамизнинг мажбурлаши орқасидан келган, – деб тушунтирди аравакаш. – “Биз деҳқон бўлсак, даламиздан қолмайлик. Бозорга керак экан, етиштирган маҳсулотларимизни даланинг тепасига келиб олиб кетишяпти, бизга шунисиям етади”, деб хўп тараанг қилишди. Бозоркомимиз: “Йўқ, деҳқон ҳам ҳосилининг роҳатини, савдо-сотиқ баҳона, шаҳарни кўрсин, кино-театрларга тушсин, дам олсин”, деб машина жўнатиб, олдириб келди. Кеча хўжайин ўзлари бошлиқ, автобусларда театрга олиб тушдик, бугун кинога боришади...”

ЭР: – Эй, бўлди-э!

МАРЯМ: – Шошманг энди, охиригача эшитинг. Харидларимни тугатиб, дарвозанинг олдига чиқсам, бозорком юзида табассум билан “такси”нинг эшигини очиб турибди...

ЭР: – Бас, хотин, бас! Ўлдираяпсанми! Қон босимим кўтариляпти, юрагим ўйнаяпти, ҳозир мендан ажралиб қоласан! Жўялироқ гаплардан гапиргин!

МАРЯМ: (жиддий, қовоғини солиб) – Хўп. (чўзиб) Бир бор экан, бир йўқ экан, бир бозор бўлган экан...

ЭР: (жилмайиб) – Ҳа, бор экансан-ку, хотин! Эртакни ана шундай бошлаш керак эди!

Саид АНВАР

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
To‘xtamurod HASANBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 21:00
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1035.
2 860 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6